

Ўтмишдаги бир қавмнинг хулқини эслатиб юбординг



07:10 / 17.07.2019 2174

Ҳасан Басрий раҳимахуллоҳнинг бир уйлари бўлиб, унинг эшиги очиб қўйилса, «Киришга рухсат» дегани бўлар эди. У кишининг дўстлари келганда эшик очиқ бўлса, кириб келаверишарди. Бир куни бир одам ўша уйга келди. Эшик очиқлигини кўриб, уйга кирди. Қараса, Ҳасан Басрий йўқ экан. Каравотнинг тагидаги саватга кўзи тушиб, уни тортиб олди. Ичида егулик бор экан. Ундан ея бошлаган эди, Ҳасан Басрий келиб қолдилар. Дўстининг қилаётган ишига қараб, кўзларига ёш тўлиб, йиғлай бошладилар. Ҳалиги одам ҳайрон бўлиб, «Эй Абу Саъид, нега йиғлаяпсан?» деди. Ҳасан Басрий: «Ўтмишдаги қавм (саҳобалар)нинг хулқини эслатиб юбординг», дедилар.

Изоҳ: Саҳобалар бир-бирлари билан шу даражада яқин бўлганларки, бир-бирларининг уйига кириб, бемалол овқатланиб кетишарди. Ўрталарида ортиқча мулозамат тўсиқ бўлмасди.

«Солиҳлар гулшани» китобидан